



ЙИП МАВЗУСИ

“САПОМАТЛИК СЕКТОРИ”: ВАЗИФАЛАР АНИҚ

3-бетда

ОТАЛИК ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

6-бетда

ОПТИШ ЯШАР ОТАДАН ОШ СЎРАМА

8-бетда

Оила



Жамият

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

17 (1272)-сон 27 апрель 2016 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ОНА СУТИ

БИПАН КИРГАН ЭЗГУЛИК



ёхуд худбинлик,
индивидуализм,
ёвузлик каби
иллатларнинг
илдизи қаерда?



5-бетда

Менинг фикримча...

БУ – БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ



Фатхулла Масудов,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:

— Мен узоқ йиллардан бери газетани мунтазам кузатиб бораман. “Оила ва жамият” йўналиши жиҳатидан бошқа нашрлардан фарқ қилади. Газета саҳифаларида юртимиздаги фидойи, жонқуяр инсонларнинг нафақат самарали меҳнати, иш фао-

лияти, балки уларнинг оила-си, фарзандлари ҳақида ҳам мақолалар бериб борилади. Умр дафтари раиғ-баранг саҳифаларга бой отахон ва онахонларнинг ҳаётий тажрибалари, ижодкор дўстларимиз, ёш йигит-қизларимиз эришган ютуқлар ҳақида, миллий қадрият ва анъаналаримиз тўғрисида ўқиб, қалбим фахр-ифтихорга тўлади. Оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, оила маънавияти борасидаги мутахассислар тавсияларидан ўзимга керакли ва зарурий маълумотларни оламан, таъбир жоиз бўлса, ўрганаман.

Оила – жамиятимизнинг муҳим бўлаги. Газета ижтимоий-сиёсий йўналишдаги мавзуларни кенг оммага ҳавола этиб келмоқда. Оилавий муносабатларга доир мунозарали мақолалар, танқидий-таҳлилий материаллар, савол-жавобларнинг мунтазам чоп этиб борилаётгани газетхонларнинг

маданий-маърифий ҳамда ҳуқуқий билимларини янада ошишига хизмат қилмоқда, десам адашмаган бўламан. Шу ўринда бир таклифим бор: мамлакатимизда маданият ва маърифат, спорт соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қўлга киритаётган ютуқларимиз, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги халқ тили ва дилига яқин мақолалар кўпроқ берилса, оилавий муаммолар чуқурроқ, илмий асосда таҳлил қилинса, миллий маънавиятимизга таҳдид солаётган ёт иллатларнинг илдизи очиб берилса, улар келтириши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида кўпроқ сўз юритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Аслида, бу нафақат оммавий ахборот воситаларининг балки, барчамизнинг вазифамиз.

“Оила ва жамият” ўз ўрни ва мавқеига эга газета сифатида бундан кейин ҳам халқимизнинг қўнғлидаги гапларни айтади, деб ишонаман.

“ЧЕМПИОННИНГ
ОНАСИ БЎЛИШ
ОСОНИМИ?!”

— Фарзандининг нимага қодирлигини, имкониятини онадан бошқа ҳеч ким яхши билмаса керак. Она фарзандини қалби билан ҳис этади.



4-бетда


“ЗАҲАРНИ ТЕНГ БЎПИШАМИЗ!”

— Бундан кейин ҳар доим чеккан пайтингизда ёнингизда бўламан, — деди қизим йиғламоқдан бери бўлиб. — Заҳар бўлса нега чекасиз? Сиз ташламас экансиз, мен ҳам ёнингизда ўтираман, заҳарни тенг бўлишамиз.



7-бетда

МАҲАЛЛА ТАҚДИРИ ФАОЛЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ



Юртимизда маҳалла азалдан тарбия, маърифат ва маънавият ўчоғи бўлиб келган. Истиқлол туфайли эса у миллий анъана ҳамда қадриятларимизга асосланган демократик институт сифатида шаклланди, ҳуқуқий мақом, кенг имконияту ваколатларга эга бўлди.

Миллий анъаналаримиз, одамлар ўртасида меҳроқибат, муҳтож кишиларга кўмак бериш, нотинч оилалардаги келишмовчиликларни ҳамжиҳатликда бартараф этиш каби миллий қадриятлар маҳаллада шаклланди. Қўшнинг тинч — сен тинч, бир болага етти маҳалла ота-она, куш уюсида кўрганнинг қилади каби мақоллар ҳам оилалардаги муҳит қўни-қўшничилик, маҳалла-қўй билан бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Маҳалла юртимизда ҳукм сураётган тинч ҳамда осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Айни пайтда жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, фуқаролар йиғинларида ишчи гуруҳлар тузилиб, сайловга

тайёргарлик жараёни қизгин давом этмоқда.

— Ушбу сайловнинг ҳуқуқий асослари Конституция ва қонуларимизда белгилаб қўйилган, — дейди фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга кўмаклашувчи Самарқанд вилоят комиссияси раисининг ўринбосари Ш. Йўлдошев. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тadbирлар режаси тасдиқланган. Мазкур комиссия ва ишчи гуруҳлардан талаб этиладигани шу — қонуни ва тартиблар асосида ҳар бир жараёни сифатли ташкил этишдир.

Самарқанд вилоятида сайловга тайёргарлик жараёнида кўмаклашувчи комиссия, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси, вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида туманларда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида семинарлар ўтказилмоқда. Семинарларда сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари,

кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг ваколатлари, сайловни ўтказиш ва яқунларини эълон қилиш тартиблари тушунтирилмоқда.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови фуқароларнинг бу муҳим сиёсий жараёнга қандай тайёргарлик кўрганлини яна бир бор синовдан ўтказиш, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Фароҳат Шокирова. — Чунки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) билан бир қаторда уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маслаҳатчиликка сайланадиган кишилар биринчи навбатда пухта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши, шу маҳалла аҳли дарди билан яшашни керак. Маҳалла институтига катта эътибор қаратилаётгани, шу ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш имконини бермоқда. Масалан, вояга етмаганлар, ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий тарбиятни кучайтириш, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, экология, табиати муҳофаза қилиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш катта салоҳият ва куч талаб қилади. Маслаҳатчилар шуларга эътибор қаратишлари лозим. Сайловнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш эса ҳар биримизнинг фаоллигимизга боғлиқ.

Гулрух МҲМИНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири


ЯҚОПИ МУҲОҒАЗАСИ ЙЎПИДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури доирасида Тошкент зилзilasининг 50 йиллигига бағишланган бир қатор амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институтига оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтди. Тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Фаилар Академияси сейсмология институти, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва бошқа бир қатор вазирлик ва идоралар ходимлари иштирок этди.

— Кучли зилзилалар пайти уч омил натижасида жиддий талофотлар келиб чиқади, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Арипов. — Буларга бино ва иншоотлар қурилишида тегишли меъёр қоидалари талабларига тўлиқ амал қилмаслик (яъни умумий сейсмик районлаштириш хариталаридан фойдаланмаслик); кучли зилзила ҳақида олдиндан ишончли маълумотлар йўқлиги ҳамда бунинг оқибати башорат қилинмагани; аҳолининг зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва ундан кейин ҳаракатланиши талаб даражасида эмаслиги сабаб бўлади. Иштирокчилар зилзиланинг келиб чиқиши, уларни башоратлаш, сейсмология соҳаси ривожланиши, фавқулодда вазиятлар профилактикасига оид маълумотлар олишди.

Тадбир давомида зилзила вақтида ҳаракатланишга оид ҳужжатли фильм намоиши этилди.



Шунингдек, иштирокчилар Зилзилалар тарихи музейи, кўرғазмалар зали ва зилзилани симуляция қилиш ускунаси билан яқиндан танишди.

Ифтихор СИДДИҚОВ,
«Оила ва жамият» мухбири

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида ички ишлар идоралари профилактика ҳисобида турган вояга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳридаги ўқувчи-ёшлар спортнинг стол тенниси, бадминтон, мини-футбол, волейбол, арқон тортиш, пашка турлари бўйича баҳслашди.

СПОРТ МАКТАБИНИНГ СУЗИШ ҲАВЗАСИ



Спорт мактабининг сузиш ҳавзаси Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида волейбол, баскетбол, каратэ, бокс, сузиш, шахмат, қўл жанги, кикбоксинг спорт турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилган. Мактаб қошидаги «Ёшлик» сув ҳавзаси айниқса ёшларнинг сеvimли маскани.

Замонавий иншоотнинг сув спорти тўғрақларида сузиш машғулотлари учун барча шароит яратилган. Бу ерда 200 га яқин ўғил-қиз малакали мураббийлар кўмагида жисмоний чиниқиб, сузиш маҳоратини оширмоқда.

Муқимжон Қодиров (сурат) ЎЗА

БАРКАМОЛЛИК БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

Айни вақтда улкан спорт байрами — Универсиадага тараддуд кўраётган Фарғона янада кўркам қиёфа касб этмоқда. Ҳудудлар инфра-тузилмасида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, кўплаб спорт иншоотларида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

5539 нафар ёшлар таҳсил олаётган Фарғона Политехника институтида ҳам бу борадаги ҳаракатлар қизгин паллага кирди. 610 нафар иштирокчини кутиб олишга ҳозирлик кўраётган таълим масканидаги 4 та ётоқхона ва 600 ўринли ошхонада қайта таъмирлаш ишлари пухта бажарилди.

Шу кунга қадар 1200 зиёда кўчат, жумладан арча, каштан, ҳинд сирени, фарбиция каби манзарали ва бутасимон дарахтлар ўтказилди. Қувонарлиси, мусобақаларнинг финал босқичига йўлланма олган талабалар ҳам бу ерда кўпчиликти ташкил этапти.

— Ёшлигимизда бундай спорт байрамларини тасаввур ҳам қилолмасдик, — дейди институтининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Ғуломжон Ёрматов. — Бу эътиборга муносиб бўлишга интилаётган ёшларимиз саралаш баҳсларидан ижобий натижалар билан қайтишди.

Ҳозир спортчиларимизнинг кайфияти аъло. Спортда бирор натижага эришмоқ учун нафақат жисмоний балки руҳий тайёргарлик ҳам катта аҳамиятга эга.

Шахмат мусобақалари бўйича баҳслар ахборот-ресурс марказида ўтказилди. Бунинг учун марказда барча имкониятлар етарли. Шунингдек, масканда 2 та машғулот зали ҳамда 1 та спорт комплекси байрамга шай.

— Универсиада кунлари талабалик йилларимнинг энг унутилмас хотираси бўлиб қолса керак, — дейди иктидорли талабалардан Нарғиза Аллабаева. — Чунки ёшларни эзгу мақсад

йўлида бирлаштирадиган катта байрамга гувоҳ бўляпмиз. Унда қатнашиб ҳам тажриба тўплаймиз, ҳам дўстлар орттираимиз. Муҳими, бу гамхўрликлар ўғил-қизлар тақдирини муҳим ўрин тутатганини яна бир қарра англаб етатмиз.

Ҳадемай, кичик олимпиада машғаласи Фарғона узра порлайди. Унинг зиёси спорт-севар дилларни бир-бирига боғлайди. Фарғоналик ёшларнинг эса шапши баланд. Улар спорт, шижоат ва нафосат байрамида ютуқлар салмоғини янада ошириш умиддалар.

Мадамнижон
СОЛИЖОНОВ

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Умумжамоа ҳисобида Учтепа тумани биринчи, Яшнобод тумани иккинчи ва Бектемир тумани учинчи ўринни эгаллади. Фойллар эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Нурилло НАСРИЕВ

uz.uz сайтидан олинди.

“САЛОМАТЛИК СЕКТОРИ”: ВАЗИФАЛАР АНИК

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола” йили деб эълон қилиниши бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди.

Олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил бўлишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш ютуқлар салмоғини ошириши шубҳасиз.

“Соғлом она ва бола” йили Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларидаги умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамшираларининг касб маҳоратини ошириш, уларда ахлоқий, маънавий ва инсоний фазилятларини тарбиялаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими томонидан ижтимоий шерикчилик асосида Давлат дастурининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун мамлакатимиздаги барча туманларда доимий фаолият юритувчи 193 ишчи

гуруҳи ташкил этилди. Умумий амалиёт шифокорлари бошчилигида барча қишлоқ врачлик пунктларида, оилавий поликлиникаларда ҳамда маҳаллаларда “Саломатлик секторлари” иши йўлга қўйилди. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар бир оилада тиббий маданиятни ошириш, “Саломатлик секторлари”нинг асосий вазифасидир. Сектор ишини жон-



лантириш ва намунали йўлга қўйиш мақсадида маҳалла оқсоқоли ўз маслаҳатчилари билан биргаликда маҳалла фаолларидан иборат олти нафар аёлни сайлайди. Ушбу сайланган масъул кишилар тегишли ҳудуддаги оилаларни доимий назоратга олади. Она ва бола саломатлигида муаммолар чиққанида эса умумий амалиёт шифокорига хабар беради ва патронаж ҳамшира хизматидан фойдаланилади. Жумладан, патронаж ҳамшираларининг бир ҳафталик иш фаолияти қуйидагича белгилаб қўйилди: Душанба — нурунийлар кўни, Сешанба — ҳомилдорлар кўни, Чоршанба — болалар ва ўсмирлар кўни, Пайшанба — хонадон ва экология кўни, Жума — хотин-қизлар кўни, Шанба — саломатлик, экология ва спорт кўни. Шунингдек, қишлоқ врачлик пункти ёки оилавий поликлиникадаги бош ҳамшира ҳар кўни патронаж ҳамширалар билан қисқа йиғилиш ўтказиб, кундалик муҳим ишларни белгилаб олади.

— Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Тошкент

вилоятидаги “Саломатлик секторлари” фаолияти ўрганиб чиқилди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Шоира Нурматова. — Тошкент вилояти, шаҳар ва туманларида жойлашган 13 қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиника, маҳалла фуқаролар йиғини ва ишчи гуруҳи фаолияти текширилди. Умумий амалиёт шифокори, катта ва патронаж ҳамширалар билан суҳбат ўтказилиб, ҳужжатлар, кўргазмалар кўрсатилди. Бундан ташқари, муаммолар оилалар ўрганилди ва уларга ечим топишга ҳаракат қилинди.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқаролар, тиббиёт муассасасига келган беморлар ўртасида сўровлар ташкил этилди. Ўтказилган мониторинг натижалари шунини кўрсатдики, Бекобод шаҳри “Обод турмуш” маҳалласидаги 2-оилавий поликлиника, Чиноз тумани “Пахта” қишлоқ врачлик пункти, Зангиота тумани “Назарбек” қишлоқ врачлик пунктида “Саломатлик сектори” иши намунали ташкил қилинган.

Ушбу ҳудудларда хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун спорт залларида барча шарт-шароит муайён этилган. Аҳоли “Саломатлик сектори”нинг иши бирмунча жонлангани ва тиббиёт ходимларининг фаоллашгани, оилавий масалалардаги баъзи муаммолар ишчи гуруҳлари кўмаги асосида барҳам берилаётгани хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

“Соғлом она ва бола” йили Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўламини кенгаймоқда. Бироқ ҳали ҳал этилиши лозим бўлган ва ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Умид қиламизки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар келгусида самарали натижа беради.

Нидофар ИМРИДИНОВА, “Оила ва жамият” мухбири

Мамлакатимиздаги касб-хунар коллежлари битирувчиларини, аввало, қизларни тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рағбатлантириш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ҳуқуқий билимларни ошириш мақсадида “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси — 2016” кўрик-танловининг мамлакат босқичига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

ТАДБИРКОР ҚИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг июль ойига қадар ҳар бир тумандан биттадан энг яхши деб топилган бизнес лойиҳа ўрганилиб, лойиҳа муаллифлари билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

— Айни пайтда барча вилоятларда, ҳусусан 193 туман ҳамда ҳар бир касб-хунар коллежидаги “Битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи штаб”лар таркиби қайта қўриб чиқилмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Мамлакат бўйича 12566 нафар қиз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган. Уларнинг аксарияти тикувчилик, чорвачилик, ишлаб-чиқариш, компьютер хизмати кўрсатиш, гўзаллик сало-нини очиш ниятида.

Туманлардаги хотин-қизлар кўмитаси раиси, тижорат банклари, “Тадбиркор аёл” уюшмасининг масъул ходимлари билан биргаликда коллежларга бориб, “Битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи штаб”лар тақдим этган рўйхатлар асосида ҳар бир қиз билан суҳбат ўтказаетири, уларнинг бизнес лойиҳалари сараланмоқда. Қизлар учун тадбиркорлик борасидаги қонунийликка оид семинарлар ташкил этилаётди.

Танлов давомида қизларнинг шахсий фазилятлари, оилавий шароити, салоҳияти, тадбиркорлик соҳасидаги дастлабки билимлари, ижтимоий масъуллиги эътиборга олинаётди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган қизлар сони ошиб бораётгани кўзланган. Жумладан, Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона, Навоий, Андижон, Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежлари битирувчилари орасида тадбиркорликка қизиқиш ва хоҳиш юқорилигини кўриш мумкин.

Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 778 нафар қиз тажрибали тадбиркор аёлларга бириктирилди. Шунингдек, 1720 нафар қизга тадбиркор аёллар ва ўқув марказлари томонидан турли хунарлар ўргатилди. Шу каби тарғибот ишлари Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона, Навоий, Андижон, Тошкент ҳамда Хоразм вилоятларида ташкил этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Жиззах вилоятларидаги касб-хунар коллежлари битирувчи қизлари орасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирганлар рўйхати шакллантирилмоқда. Мутассадди ташкилотлар битирувчи қизлар билан амалий машғулотлар олиб бораётди. Бу эса қизлар бандлигини таъминлашга ёрдам бериши шубҳасиз.

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Биз бугунги талаба қизлар қиёфасида эртанги соғлом оналарни кўрамыз, — дейди Олмазор туманидаги «Соғлом авлод учун» хайрия фонди тиббий-ижтимоий маркази мутахассиси С.Гаппарова. — Соғлом болани вояга етказиш учун, аввало, онанинг ўзи соғлом бўлиши керак. Шу сабаб қизларга таълим муассасаси ва талабалар турар жойларида санитария-гигиена ва соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя этишлари бўйича маслаҳатлар берамиз.

Давра суҳбатида оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, аёллар ва болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш борасида сўз борди.

Тадбирда талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Азиза ҚИЁСОВА

uza.uz сайтидан олинди.

ТИББИЙ АКЦИЯ

Аёл соғлиги — жамият бойлиги. Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Эгизбулоқ” қишлоқ врачлик пунктида шу мавзуда тиббий акция ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда 100 дан зиёд туруқ ешидаги аёллар, шунингдек, болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Акция доирасида хотин-қизларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбири ҳам ўтказилиб, унда соғлом турмуш асослари, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, касалликларга қарши профилактик тадбирлар хусусида сўз юритилди.

Шерзод НАЗАРОВ



Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган давра суҳбати ана шундай номланди.

Тадбирда соҳа мутахассислари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада

“ЧЕМПИОННИНГ ОНАСИ БЎЛИШ ОСОНМИ?”

Суҳбатдошимиз Олия опа Шайдуллаева оддий қишлоқ аёли. Эстрада юлдузи ҳам, машҳур телебошловчи ҳам, режиссёрлар ўртасида талаш киноактриса ҳам эмас. Бироқ, унинг энг юксак унвонлардан қолишмайдиган унвони бор — чемпионнинг онаси. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, комбат айкидо спорт тури бўйича 15 карра Ўзбекистон чемпиони, бир неча марта халқаро турнирлар, Евроосиё ва жаҳон кубоги гoliбаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Сарвиноз Шайдуллаева онасини муваффақиятларининг асосий сабабчиси деб билади.



“Қизингнинг бўйи чўзилиб қолибди, энди юртма-юрт, мусобақама-мусобақа юрмасдан, тикиш-бичишни, пишир-қуйдири ўргансин. Қиз бола бировнинг хасми, эгаси чиқса эртага эрга беришинг керак”,

деганлар бўлган. Аммо қилаётган ишим тўғри эканини билардим. Сарвинознинг бугунги ютуқлари замирида катта ишонч бор. Мусобақаларга оиламиз билан бирга бориб уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Мамлакат ва халқаро миқёсидаги қўллаб-қувватлашга гoliб бўлди. Аммо биз учун ҳам, Сарвинознинг ўзи учун ҳам энг қадрли ютуғи Зулфия номидаги Давлат мукофотидир.

2013 йилнинг баҳор пайти эди. Совриндорлар аниқланиши керак. Сарвиноз яна туш-қуликка тушиб қолди. “Ойи, мени муносиб кўришармикан? Ахир, бу жуда нуфузли мукофот. Номзодлар орасида катта-катта ютуқларга эришган қизлар кўш”, дея куйиб юрди. Виркуни телефонига “Сарвиноз сиз гoliб бўлдингиз”, деган смс хабари келди. Бундан беҳабармиз, қизим телефонига қараб йўғлайди. Она-бола қувончдан бир-биримизни кучиб йўғлаганмиз роса.

— Ҳам спорт, ҳам оилани эплаш

Оналар ва қизлар

қийин. Қизингиз қайсидир маънода шу қийинчиликларни кўриб ўлғайган, дейиш мумкин. Шундай эмасми?

— Тўғри. Оилавий спортчилармиз, десам адашмайман. Сарвинознинг дадаси — Жуманазар ака самбо кураши билан икки синглиси ва укаси бокс, айкидо ва шахмат билан шуғулланишди. Ўзим Ангор туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактабда бошланғич синф ўқитувчисиман. Спорт менга ҳам бегона эмас. Оиламиз дастурхон атрофида йўғилса, асосан спорт ҳақида гап кетади. Кечки пайтлари барчамиз йўғилиб, турли машқларни бажарамиз. Мен ҳам спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳаракат қиламан. Ахир чемпионнинг онаси бўлиш осонми?!

Визни диққат билан тинглаб ўтирган Сарвиноз Шайдуллаевани суҳбатга тортишим.

— Ота-онам, оилам билан фахрланаман. Шундай инсонларнинг фарзанди эканимдан, шундай оилада туғилганимдан хурсанд бўламан. “Мағлубиятдан қўрма. Аслида, бу сенинг фойданга, чунки хатоларингни тушуниб тузатиш, кейинги мусобақаларга кучли тайёрланиш имконига эга бўласан”, дейишди ота-онам.

Ойлангиз тинч, бахтиёр бўлса ўзгача хотиржамлик билан майдонга тушасиз. Шунда ақлингиз ҳам, хаёлингиз ҳам кучга айланади. Чунки, мақсадингиз аниқ. Сизга ойлангиз, Ватанингиз ишонч билдирмоқда. Фақат галаба ҳақида ўйлайсиз.

— Сарвиноз, спорт сабаб дунёни кезмоқдасиз. Лекин ҳар лаҳза Ватан соғинчи...

— Гапирманг... Уйга қайтгач, онам ёзган дастурхон атрофида йўғиламиз. Мен учун энг қадрлиси — шу. Оилам даврасидаги ҳар бир кун, ота-онамнинг меҳрлари тафти, ойижоним пиширган овқатларнинг таъми бошқача.

Юртимизда Олия опа каби фарзанди ютуғидан фахрланадиган оналаримиз, Сарвиноз сингари оиласи ва Ватани номини улуғлаётган қизларимиз жуда кўп. Виз ана шундай оналар ва қизлар билан фахрланамиз.

Камола АДАШБОВА

— Машҳур инсонлардан бири: “Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз”, деган эди. Олия опа, чемпионлар, айниқса, матонатли қизлар рағбат ва ишончни қардан олади?

— Фарзандининг нимага қодирлигини, имкониятини онадан бошқа ҳеч ким яхши билмаса керак. Она фарзандини қалби билан ҳис этади. Сарвиноз болалигида мусиқага қизиқарди. Бир неча йил Ангор туманидаги 37-мактабда ташкил этилган мусиқа мактабининг ракс тўрагига қатнашиб юрди. Шундан сўнг каратэ, вақт ўтиб, комбат айкидо билан шуғулланиб, чемпион деган номга сазовор бўлди. Она — фарзандининг эртаси учун масъул. Қизим “ойи мен мана бу спорт турига қатнашмоқчиман, бу фанни чуқур ўрганмоқчиман”, деган бўлса, асло қаршилиқ қилмаганман.

Спорт мажмуасигача уч чақирим юриш керак эди. Сарвиноз машғулотларга велосипедда қатнади. Мағлуб бўлса тез тушқуликка тушиб қоларди. Шунда бу биринчи мусобақа эмаслигини, олдинда ёруғ кунлар кўплигини, бир кун албатта гoliб бўлишини айтиб, кай-

фиятини кўтарардим. Ростини, унинг мағлубиятларидан менинг ҳам жаҳлим чиқар, миямга: “Менинг қизим фақат гoliб бўлиши керак”, деган фикр ўрнашиб қолганди. Унинг ютқазини хоҳламадим. Бироқ буни қизимга сеадирмаганман.

— Иллар ўтгани сай



ин машғулотлар натижасида қизингизнинг тажрибаси ҳам ортгани аниқ. Бироқ шу билан бирга ёши ҳам ўлғайди. Сарвинознинг спорт билан шуғулланишига қарши бўлганлар ҳам топилгандир?

— Қариндошлар орасида:

Устанинڭ қочов тутавериб қотиб кетган бармоқлари ёғоч устида оҳиста ҳаракатланади. Унинг нигоҳлари яна бир санъат асари дунёга келишидан сўзлаётгандек. Уста ёнгоқ дарахтидан олинган тахтани аввал юмалоқ шаклга солади. Кейин ичи ва ёнларини ўйиб, силлиқлайди. Бир оздан сўнг унинг қўлида лаган пайдо бўлади. У аввалдан тайёрлаган чизма асосида лаганга нақш солади. Оддий ёғочга кўрк беради. Навбат турли ҳажмдаги қочовларга ҳамда уларга мос болгаларга етади. Жараёни кузата туриб, бу иш устидан нафақат истеъдод ва тажриба, балки ирода ва сабр-тоқат ҳам талаб қилинишини англайсиз.

Ёғоч ўймакорлиги Шавкат Юсупова ота мерос бўлмаса-да, устозларидан ўрганганлари ҳеч бир сулоланикидан кам бўлмади. Ёғоч билан ишлашни йиллар давомида ўзлаштирди. Қўллаб шогирдлар етиштирди. У ясаган стол-стуллар, хонтахта, курси ва сўрилар нафақат Қибрай туманида, балки вилоятда ҳам эл озига тушган.

—Агар нокаментарликка йўймасангиз, ўзим ҳали шогирдман, — дейди Шавкат Юсупов. — Бироқ устоз, деб эшикдан кириб келган ёшларни кўрсам хурсанд бўламан. Ҳар бир боланинг қизиқишига қараб баҳоли қудрат ёрдам бераман. Айримларидан ўзим ҳам баъзи нарсаларни ўрганаман. Чунки шогирдларим орасида ҳаёлот дунёси кенг, ҳар бир ишга ижодий ёндошадиганлари кўп. Улар халққимизнинг минг йиллик қадриятлари ифодаси бўлган миллий нақшларимизни қозғога ва ёғочга туширишни тиришқоқлик билан ўзлаштириб боришмоқда. Шунингдек, замонавий

ҚИБРАЙЛИК УСТА



Ёнимиздаги одам

«Карвон йўналиши бўйлаб», деб номланган халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришган.

— Мамлакатимизда ҳар йили минглаб ишпоотлар қад ростламоқда, — дейди уста. — Уларнинг ҳар бири ўзига хос мезморий ечимга эга. Айримлари ўтмиш анъаналарини ифодаласа, бошқалари миллий ва замонавий архитектура хусусиятларини уйғунлаштирган. Мен ҳам келажакда ана шундай бунёдкорлик ишларига ўзимнинг улушимни қўшсам дейман.

Ёшларимиз қўлга киритаётган бундай ютуқлар мамлакатимиз таълим тизимида, касб-хунар етгаллаш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир. Негаки, қаҳрамонимиз Шавкат Юсупов ҳам дастлаб сабр-қаноат билан ўқиб, ёғочга ишлов беришни ўрганган. Иланишлари жараёнида ёғоч ўймакорлиги санъатнинг бир тури эканлигини англади ва бу борада ўз йўналишини топди.

Айни пайтда устaxonага хунар ўрганиш учун келган ўсмир ёшлар ҳам дастлаб қизиш, ўймакорлиқни тушуниш, буюмларга хос ранг таянлаш каби оддий қоидаларни ўрганишмоқда. Устози кўмағида бежирим буюмлар ясаётган бўлajak ўймакорларнинг ота-оналари эса фарзанди фойдали ишнинг бошини тутганидан хурсанд.

Бектош ИСМОИЛОВ

Латофат
САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.



Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раиси Акрам ШУКУРОВ жавоб беради

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси билан боғлиқ муносабатлар, унинг шакли ва шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ворисларга ўтиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33-бобида ёритилган ва ушбу бобдаги моддалар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530-моддасига кўра, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парвариллаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича тарафлар сифатида фақат фуқаролар иштирок этиши мумкин. Ушбу ҳолатда моддий таъминот олувчи (уй-жойини бошқа шахсга берувчи) сифатида ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга қобилиятсиз бўлган фуқаро қатнаша олади. Яна бир муҳим жиҳати, қонунийликда уй-жойини бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тиклаганда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Уй-жойини бошқа шахсга берувчига моддий таъминот, қоида тариқасида, натура тарзида берилади ва ўз ичига бошлана бериш, овқатлантириш, парвариллаш ва зарур бўлган бошқа ёрдам турларини қамраб олади ҳамда уларнинг бир ойлик умумий баҳоси, уй-жойнинг қиймати шартномада кўрсатиб ўтилганлиги мумкин.

Умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг муҳим шартини — бу тақдим қилинадиган моддий таъминот тури, уларнинг пул билан инфодаланган бериш ойлик баҳоси, шунингдек, бегоналаштириладиган уй-жой уни олувчига мулк сифатида ўтиши

Ёшим 70 да. Наманган шаҳрида, кўпқаватли уйда яшайман. Турмуш ўртоғим оламдан ўтганига беш йилдан ошди. Биттагина фарзандимиз бор. У ҳам турмушга чиқиб кетганига 22 йил бўляпти. Ҳозир оиласи билан хорижда (Россияда) яшайди. Қизим уйни сотиб, мени ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Лекин истамдим. Тугилиб ўсган жойимни, турмуш ўртоғимнинг қабрини ташлаб кетгим йўқ. Барака топишсин, қўни-қўшилларим, маҳалла-қўй ҳолидан хабар олиб турибди. Нафақам ҳам ёмонмас. Бироқ доимий қаровчига муҳтожман. Кейинги пайтда кўп касал бўляпман. Очиги, қўшилларимга юк бўлаётганимдан хижолатдаман. Айтишларича, мени умрбод таъминлаб туриш шартини билан икки хонали квартирани бошқа кишига беришим мумкин экан. Ўйпарамдаги хонадонда ёш келин-куёв, меҳр-оқибатли яхши оила яшайди. Бу ҳақда улар билан гаплашиб кўрмоқчиман. Қандай шартлар билан уйимни уларга беришим мумкин?

Ю.Гореева, Наманган шаҳри

"МЕНИ УМРБОД ТАЪМИНЛАБ ТУРИШ ШАРТИ БИЛАН УЙИМНИ ҚЎШНИМГА БЕРМОҚЧИМАН..."

сабабли, умрбод таъминот берувчи ушбу уй-жой билан боғлиқ барча мажбурий тўловларни, жумладан, солиқлар, коммунал тўловлар ҳамда уй-жойини сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширишни шарт.

Шартнома албатта ёзма равишда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим. Шу билан бирга шартнома объекти кўчмас мулк бўлганлиги сабабли у тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Белгиланган талабларга риоя этмаслик мазкур шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасида тарафлар ўртасидаги алоқа нисбатан яқинроқ бўлиши назарда тутилади. Хусусан, мазкур шартнома шартларида олувчи уй-жойини бошқа шахсга берувчи билан бирга яшаб, уни таъминлаши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тарафлар келишувига мувофиқ амалга оширилади. Тарафлар бундай келишувга эриша олмасалар, шартнома тарафлардан бирининг талабига кўра, суд тартибда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шартнома бўйича олувчи ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи шартномани бекор қилинишини талаб қилиши мумкин.

Шунингдек, олувчининг моддий аҳволи шартномада белгиланган таъминотни беролмайдиган даражада ўзгара ёки бошқа шахсга берувчининг меҳнат қилиш лаёқати тикланса, шартнома олувчининг талабига кўра ҳам бекор қилиниши мумкин. Бунда қонун шартноманинг тарафлари қандай ҳолатларда судга мурожаат қилиши мумкинлигини чегаралаб берган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 533-моддасида умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинганда уй-жой бошқа шахсга берувчига қайтарилиши, шунингдек, ушбу шартнома бошқа шахсга берувчининг талаби билан бекор қилинганда олувчи шартнома бўйича мажбуриятларни амалга оширишда қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 532-моддасига кўра, умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисми), квартирани сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчининг шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

Таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга берувчи учун муҳим кафолат бўлиб, уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи — уй-жой мулкдорининг тасарруф қилиш ҳуқуқининг чекланиши ҳисобланади. Таъминот берувчи кўрсатиб ўтилган уй-жойга нисбатан ҳуқуқларни чегараланишига олиб келиши мумкин бўлган уй-жойни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш)

туза олмайди. Ушбу императив норма шартнома хусусиятидан келиб чиқади. Тегишлича, уй-жойни олувчи ҳатто таъминот олувчининг розилиги билан ҳам ушбу битимларни тузишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, қонун умрбод таъминлаш шартини билан берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирага нисбатан олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилишини таъқиқлайди.

Умрбод таъминлаш шартини билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича олувчининг мажбуриятлари уй-жойнинг тасодифан нобуд бўлган ёки шикастланган ҳолатларда ҳам сақланиб қолади. Чунки, уй-жойнинг мулкдори бўлиб уй-жойни олувчи ҳисобланади ва унинг зиммасига мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, шикастланиши шунингдек, келгусида мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ хавф-хатарлар бўлади.

Шартнома тарафи ҳисобланган олувчи вафот этган тақдирда шартномавий мажбуриятлари унинг меросхўрларига ўтишига қонунийлик йўл қўяди. Уй-жойни олувчининг ворислари бир неча бўлса, улар ўзларининг меросдаги улушларига мутаносиб равишда мажбуриятларни бажарадилар. Улардан биронтаси меросдан воз кечган тақдирда, унинг мажбуриятлари бошқа меросхўрларга ўтади.

Бундай ҳолатда вафот этган олувчининг меросхўрлари бўлмаганда ёки меросхўрлар шартнома мажбуриятини бажаришдан бош торганларида уй-жой уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Мазкур турдаги шартномалар билан боғлиқ муносабатлар юзасидан низолар кўпайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ушбу муносабатларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш суд ва қонунчилик органларининг доимий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

ЭР-ХОТИНДАН БИРИ ВАФОТ ЭТСА...

— Хотиним вафот этган. Бунга бир неча йил бўлди. Уйланмоқчиман. Ўртамадаги никоҳ тугаганини тасдиқлаш учун қандайдир ҳужжатлар керакми?

Сардор Маматов
Бўқа тумани

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-моддасига биноан, эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган, деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.

Сиз ушбу ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Улар томонидан никоҳингизни тугатиш юзасидан қарор чиқарилади.

— Аёлим фарзандимизни дунёга келтириб, вафот этди. Боламга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олмоқчиман, ўзимнинг аризам билан ҳам оталик белгиланиши мумкинми?

Эрғаш Бекжонов,
Бекобод шаҳри

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА АСОСАН

— Оила кодексининг 207-моддасига кўра, "Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг онаси тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра, отаси тўғрисидаги ёзув эса, боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Она вафот этган ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, шунингдек онанинг қаерда эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаганда ота тўғрисидаги ёзув отанинг аризасига кўра васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёзилади".

Сизнинг аризингиз билан суднинг ҳал қилув қарорига асосан туғилиш далолатномаси ёзилган жойда туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида ота тўғрисидаги маълумотлар киритиш йўли билан оталик белгиланади.

Бекобод шаҳар ФХД бўлими 1-тоифали инспектори
Хуррият ОРИҚОВА жавоб берди.

ИШОНЧНОМА БЕРМОҚЧИМАН

— Автомашинани бошқариш учун жиянимга ишончнома бермоқчиман. Уни қандай расмийлаштиришим мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ифтихор Бердиев,
Тошкент вилояти

— Ишончнома фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар соҳасида кенг қўлланиладиган ҳужжат ҳисобланади. Автомобил транспорт воситалари учун бериладиган ишончномалар нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Юридик шахслар томонидан уларнинг ходимларига бериладиган ишончномалар бундан мустасно бўлиб, улар нотариал тартибда тасдиқланмайди.

Яқин қариндошларга (ота-она, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, ака-укалар, набиралар, жиянлар) автомобил транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишончномаларни нотариал тасдиқлаш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари, бошқа шахсларга эса энг кам иш ҳақининг беш баробари, тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришда энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорда давлат божини ундирилади.

Яқин қариндошлар ўртасида бундай ишончномаларни расмийлаштиришда қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар (туғилганлик, никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳномалар) тақдим этилади.

Одил АБДУҲАЛИҚОВ,
Бекобод шаҳар Давлат нотариуси

Кизнинг бўйлари узун, сочлари эса ундан ҳам узун эди. У қорачадан келган, юзида чиройли, нозик холи бор эди. Иси жисмига монанд — Дилбар эди. Унинг ўзига ярашган яна бир жиҳати — кўшиқ хиргойи қилиб юрарди. Айниқса, тadbирларда “Бодом гуллари”ни маромига етказиб қўйлар, мактабдагилар унга “Бодом гуллари” деб ном қўйганди. “Бодом гуллари”. Назаримда дунёдаги энг чиройли ном ҳам уники эди!

Дилбар негадир мени яхши кўрарди. Ҳар гал рўпарамдан чиқиб қолгудек бўлса, фар-тугимни, сочимни тузатиб жилмайиб қўярди. Баъзида йўлимни тўсиб “биттагина шеър ўқиб бер, илтимос” дея ялинишга тушарди. Мен эса атрофдагиларнинг эътибори менга қаратилганидан юзим лов-лов ёниб, хижолат бўлардим. Лекин... лекин у менга жуда ёқарди. Ҳар гал опам билан жанжаллашганимда Дилбарга меҳрим ортар, “Опанг бўлса, шундай бўлсада”, деган хаёлга борардим. Ўша кезларда мен 6-синф ўқувчиси, у эса мактабни битираётган, бўйи етиб қолган киз эди.

Дилбарни кўп йигитлар яхши кўришини билардим. У ҳақда мактабимизда бир «севги афсонаси» юрарди. Лекин кизнинг ўзи синфдоши Ф. ни ёқтиришини тўсатдан билиб қолдим! Энди уларни бирга кўрсам аввал кизга, кейин йигит-

га қарар, муносабатларига қизиқиб зимдан кузатишга тушардим. Йўқ, улар ҳамма синфдошлари каби эдилар. Ҳеч бир ортиқча тақаллуф йўқ, назаримда ҳаммаси самимий ва беғубор эди. Тўғриси айтсам, муҳаббат қанақа бўлишини ўзим ҳам билмасдим. Севишганларни бошқалардан қандай ажратиб олишни ҳам!

...Бир куни мактаб ҳовлисида шошиб кетаётгандим. Ўшанда бизнинг синф мусобақага тайёр-гардик кўраётганди. Мени синфдошларим қутишар, қўлимда Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» тўплами бор эди. Ногоҳ дугонаси билан чаққақлашиб келаётган Дилбарга кўзим тушди. Рўпарадан эса қўлида фотоаппарат билан Ф. келиб қолди. Афтидан, йигит суратга олмоқчи бўлди шекилли, улар жой танлаб қолишди. Дилбарнинг кўзи менга тушди, олдимга югуриб келди. «Мен у билан суратга тушаман» деб туриб олди. Шошиб турганим учунми, бир нарсадан хавфси-

раб турган қушдек хўрнайиб, каллам-ни бир томонга қийшайтириб расмга тушганим эсимда... Юзимда норо-злиқка ўхшаш ифода бор эди. Киз эса хурсанд, мени қўлтиқлаб олган-ди. Ҳафсалам пир бўлиб кетди, севишганлар ҳам шунақа бўладими? Дугонасига кўшиб

мени ҳам суратга олишига бало борми? Иккиси бирга туша қолишса бўлардику? Бу менга ғалатиноқ туюлди. Менимча, улар ўртасидаги

кўролмас эмиш! Йигит роса уринди, барибир севганига ети-ша олмади. Сўнг бош олиб узоқларга кетди. Дилбарни бошқасига тур-

«БОДОМ ГУЛЛАРИ»



Ҳаёт манзаралари

ди. Миш-мишларга қараганда, хотини Дилбарга жуда ўхшар экан.

Кутилмаган бахтни кўрингки, уларнинг 10 йиллик битирув оқшомига мени ҳам тақлиф қилишди. Остонада ўша йигит ва киз қутиб олди! Ҳайрат оғушида қолдим... Даврани ик-киси бошлаб берди.

Дилбар сира ўзгармаган, ҳалиям дилбар ва гўзал, озгина йиллар нуқси урган, холос. Атрофида эса худди ўзига бир томчи сувай ўхшаш, тўрт ёшлар чамасидаги болакай югургилаб юрарди.

Йигит ва киз ёнма ён ўтиришар, бир-бирига гал бермай поддон суҳбат қуришарди. Ногоҳлардаги беғуборлик, самимий-лик уларни бир зумда мактаб боласига айлантириб қўйгандек эди гўё... Уларни бу кайфиятда кўриб шунчалар қувондимки, бошим осмонга етди. Шунчалар бахтиёр эдимки, нима учунлигини ўзим ҳам англамасим...

Киз нафис бодом гуллари каби даврани беэаб турар, йигит нигоҳидаги меҳр эса муҳаббат ҳеч қачон ўлмаслигини, асли тирикликни шу чиройли туйғу беэаб турлини англатаётгандек эди назаримда...

Холниса
РАҲМОНҚУЛОВА

ЛОЙ ИЧИДАН ДУР АЖРАТ...

Ҳар куни турли воқеаларга дуч келамиз. Уларнинг бири фикрлашга чорласа, бошқаси шукрга етаклайди. Ана шу каби воқеаларни биз билан ўртоқлашмоқчи бўлганларга имконият бор. Бунинг учун мурожаат қилишдан эринмасангиз, бас. Уларни муштарийлар эътиборига ҳавола этишдан чарчамаймиз...

ОШХОНАДАГИ НОЧОР МОМО ДУОСИ

Бу воқеага анча бўлган. Бир иш билан эрта тонгда Қаршидан Шаҳрисабзга боришимга тўғри келди. Қанча вақтли уринганимга қарамай, сира ишим битай демасди...

Югура-югура кунни пешин қилдим. Лекин ишимда олдин-га силжиш бўлмади. Қорним ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди.

“Иш бир гап бўлар”, дея ошхонага кирдим. Мен жойлашган столдан сал нарида бир момо невараси билан ўтирарди. Иккисининг ҳам усти юпун, ўзалари ночор, бир кишининг ҳам қорнини тўйдирмайдиган емакни баҳам кўришарди.

Уларга раҳмим келди. Нега бу аҳволда ўтиришгани менга номаълум эди. Бир нима дейишга ҳам одам хижолат бўларкан. Барибир чидай олмадим. Минг истиҳола билан сўрадим:

— Хола, сизларга овқат олиб берсам хафа бўлмайсизми?

Кампир аввалига юзимга ҳайрон бўлиб қаради. Кейин бир оз хўрланган кишидек атрофга ожив боқиб, сукут сақлади.

Ниҳоят тилга кирди:

— Майли, ихтиёрингиз.



Анча енгил тортиб уларга овқат буюртирдим.

Чиқиб кетаётгандим, момо мени тўхтатиб қўлларини дуога очди:

— Илоҳим, умрингиздан барака топинг, мушкулларингиз осон бўлсин! Бирингизга минг қўшилсин!

Юзимга фотиҳа тортиб, ўрнимдан турдим. Ишонсангиз, ярим кунда битмаган ишим, ярим соатда ечимини топди. Дуода гап кўплигига ўшанда ишонганман. Ўша-ўша доим дуо олишга ҳаракат қиламан.

Парда Хурсанов,
Қарши, Хонобод маҳалласи

“ЗАҲАРНИ ТЕНГ БЎЛИШАМИЗ!”

Чекиш соғлиққа зарар эканини барчамиз яхши биламиз. Лекин ҳамма ҳам бунга амал қилавермайди. Биттаси — ўзим...

Шу касофатга қандай ўрганиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳар куни кечки пайт ётиш олдиндан балконда очик дераза олдида битта сигарета тутатмасам ухломмайман.

Тўққиз ёшли кизим неча марта сигаретамнинг қутисини яшириб қўйди. Чекиш соғлигим учун зиён эканини яхши билади, бу одатдан воз кечишимни жуда-жуда истайди.

Куни кеча дераза олдида ўтириб энди сигарета тутатгандим, қаршимга келиб ўтириб олди.

— Хонангга бор, ухла, — дедим кош чимириб.

— Ёнингизда ўтиргим келяпти, дада, — деди кизим ерга қараб.

— Ҳозирмас, бу заҳар, тушуняпсанми? Чекаётганимда сенларни ёнимга яқинлаштираман, биласан-ку?

— Бундан кейин ҳар доим чеккан пай-тингизда ёнингизда бўламан, — деди кизим йиғламоқдан бери бўлиб. — Заҳар бўлса нега чекасиз? Сиз ташламас экансиз, мен ҳам ёнингизда ўтираман, заҳарни тенг бўлишамиз.

Бўғзимга нимадир тикилди. Сигаретни кулдонга босиб ўчирдим-да, кизимни бағримга босдим...

Ориф АХМЕДОВ, Зангиота тумани
“Файз” маҳалласи

мушга беришди.

Йиллар ўтди. Кизни бошқа кўрмадим. У ўз бахтини олислардан топди, деб эшитдим. У ҳақдаги миш-мишлар унут бўлди. Мен унинг қандай келин бўлганини кўролмаган бўлсамда, ўзимча тасаввур қилдим. Оппоқ, ҳарир либосдаги “Бодом гуллари”. Қувноқ, хушмуомала, оқила, дилбар келин...

Йигит эса жуда кеч уйлан-

САБРНИНГ ТАГИ...

Ушбу воқеани бир таниш аёл айтиб берганди. Ундан жуда таъсирлангандим. Ўйлайманки, ҳаммага ибрат бўлади...


— Ота-онамнинг қаршиликларига қарамай, ўзим истаган, кўнгил қўйган йигитга турмушга чиқдим, — деб гап бошлаганди ҳалиги аёл. — Биз жуда бахтли эдик. Ҳаммаининг ҳаваси келарди. Орадан йиллар ўтиб ўғлим туғилди. Бахтимга бахт қўшилди. У воёга етиб, чет элга ўқишга кетди. Айни ўша дамларда турмуш ўртоғим ўзгарди. Кеч келар, ичар, кейин арзимас нарсалар сабаб жанжаллашардик. Охири, ундан бунинг сабабини сўрадим. Бошқасини топиб олган экан. У уйдан чиқиб кетди. Сурштирдим, у топган аёлни ҳеч ким яхши демади.

Аёлниг қўлидан нима ҳам келарди. Индамидим. “Нега эримни тортиб олдинг?” деб бир оғиз сўрамадим ҳам. Сабр қилдим. “У аёл мендан ортиқми?” деб жуда сикилардим. Орадан анча йиллар ўтиб турмуш ўртоғим қамалиб қолди. Ҳалиги аёл ундан кечди. Яна ўзим балоғардон. Орқасидан бориб хабар олиб турдим. Ахир боламнинг отаси.

Ҳар борганимда у қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, кечирим сўрарди. Озодликка чиққач, тўғри уйга келди. Қарасам, эшик ёнида кириш-кирмаслигини билмай турибди. “Киринг, ўз уйингиз-ку!” дедим. Яна бир оила бўлди. Ўзини анча олдириб қўйган экан. Даволанди, фойдаси бўлмади, вафот этди. Ўлими олдида менга етказган азиятлари учун кечирим сўради. Болам ҳаққи ҳурмати уни кечирдим.

Шойра Ҳасанова. Булуғтур тумани

Наргиза УСАНБОВА тайёрлади.



ОЛТМИШ ЯШАР ОТАДАН ОШ СЎРАМА

ёхуд мазмуни ўзгараётган мақоллар

“Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда”

Болалигимдаги бир мультфильм ёдимда қолган. Ўйинчоқлари, дафтар-китоблари бетартиб ёйилиб ётадиган танбал бола ҳақидаги мультфильм. “Эҳ, қанийди ош бўлсаю, иш бўлмаса”, дея орзу қилади болакай. Бир куни тушида ўша “ош бору иш йўқ” мамлакатга тушиб қолади. Бу ерда унга роботлар хизмат қилади ва “Сен буюк ялқов бўласан!” деб келажакни баҳорат қилишади. Ўзи каби ялқовларни, семирив кетган танбаларни кўриб, даҳшатга тушган болакай чинқириб уйғониб кетади ва ўша кундан бошлаб ўзгаришга ҳаракат қилади. Мультфильм мазмуни ялқовлик хасталик эканига ишора эди. Халқимиз бежизга “Олтмиш яшар отадан ош сўрама”, “Ўз аравангни ўзинг торг”, демайди. Негаки, ўғрилиқ, каззоблик, фирибгарлик қанчалик айб саналса, боқимандалик ҳам шунчалик гуноҳ.

Меҳнатдан келса бойлик...

Яхши инсонлар ҳақида гапирганда “Меҳнатсевар”, “Меҳнатдан қочмайди” дея сифатлаймиз. Дангаса, танбал кишилардан нарироқ юришга ҳаракат қиламиз. Момоларимиз ёш қизалоқларга кичкиналигидан дастурмол, қўлсочиқчаларни ювини, ховли супуришни ўргата, боболаримиз болакайларга ўзларига мос кетмонча тутқазишади. Бола бўш қолса, бекорчи хаёлларга берилишини, бунинг оқибати хунуклигини билган кексаларимиз улғайиб, эл қаторига қўшилган бўлса-да, ҳанузгача тайинли ишнинг бошини тутмаган боласи ё неварасини қойишганда “Қирққача отам боқади, қирқдан кейин болам, демай меҳнатга бўйин берсанг-чи”, дея даққи беради. Мақолларда аждодаларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси ўз ифодасини топган. Бироқ бугуннинг ҳам ўз ҳикмати, ҳақиқати ва таъбир жоиз бўлса, ўз мақоллари бор. Бугун, қирққа кирган отадан ош сўралмайдиган замон. Ахир, айни пайтда ҳали қирқ ёшга кириб-кирмаган отанинг коллежда ўқийдиган фарзанди тадбиркор бўлишга, ўз бизнесига эгалик қилишга интиломда. Кишида ғайрат, шижоат қанчалик эрта уйғонса, мустақил ҳаётга қадам ташлаганда оиласига, қолаверса, эл-юртга шунча кўп фойда келтиради.

Сирдарёлик фермер “Шухрат” медали соҳибаси Феруза Жўраева билан суҳбатлашганимизда, ёшгина қизнинг шижоатига қойил қолганман. Айрим эркаклар тоғни талқон қилгулик ҳайбатли билан “иш йўқ”, “пул йўқ”, деб ер қизиб ўтирганини, айримлари эса хотинининг топганига кун кечираётганини кўрганда Ферузага ўхшаган қадамдан ўт чақнайидиган, бирдан мингги бунёд қилаётган қизлар олдига шундай эркаклар қандай бош кўтариб юраркан-а, деган ўй ўтади кўнглидан.

Хар бир оиланинг ўзига яраша кам-кўсти, эҳтиёжлари бор. Фарзандлар ўсиб-улғайиб, оёққа турғунига қадр уларнинг таъминоти билан шугулланиш керак. Лекин оила бошлиғи танбал ва ишқмас бўлса, охир-оқибат, эҳтиёжлар уни боши берк кўчага олиб киради. Энди у нолй бошлайди.

Президентимиз мустақилликка эришган илк кунимиздан бошлаб шўролардан мерос қолган боқимандалик иллатини йўқотишга, одамларнинг онгу шуурини, тафаккурини, дунёқарашини ўзгартиришга, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бироқ ҳануз орамызда осмондан

чалпак ёғишини орзу қиладиганлар йўқ эмас. Уларга қарата “У замонлар ўтиб кетган, биродар!”, дегинг келади.

Яхшиям ўқиган эканман...

Яхшиям бир пайтлари ўқиб, касб эгаллаган эканман. Бўлмаса кўчада қолармидик? Болалигимда қайнота-қайнонам эътибор беришмаганим, ўзида бўлмаганми, хуллас, эрим бирор касб-хунарнинг бошини тутмаган. Бир-икки ишлаб пул топишга ундагандим, фойзга қарз олиб бозорга чиқди. Осон жойда ош борми, савдодам иши юришмади. Қарзга ботдик.

Янги келинлик пайтимда унча билинмасди, ойлик маошим икковимизга етарди. Фарзандли бўлгач, бир аёлнинг топгани рўзгорни бутламаслигини тушундим. Эрта-пиндин қайимни уйланса, бўлак бўлиб чиқишимиз керак. Бир ўзимнинг топганим билан нима ҳам қилардим...

Муслима, Бухоро

Тадбирли киши кам бўлмайди

Азал азалдан халқимиз оилада ўғил дунёга келса, уни алоҳида эътибор билан парваришлаган. Болалигидан тўғрисўзлик, мардлик, тантилиқ каби сифатлар қаторида меҳнатсеварлик ҳам ўргатилган. Мақсад аён: ўғил бола эртага оиланинг боши, рўзгорнинг боқувчиси, химоячиси, таянчу суянчи бўлади. Меҳнатда тобланган, ишнинг кўзини биладиган киши ҳеч қачон бировдан кам бўлмайди. Хар қандай вазиятда ўзини ўнглаб, турмушдаги унча-мунча қийинчилигу муаммоларга тоб бера олади.

Болани қийинчиликда пишитиш керак...

Ижара уйимизга бир ҳамқишлоқ йигит келиб қўшилди. Ишининг тайини йўқ. Ҳаммамиз ўқишга чиқиб кетамиз, у эса кун бўйи уйда ётади. Пойтахтга ишлагани келганмиш. Ўзи тополмаётгандир-да, деган ўйда унга иш қидириб кўрдик. Қандолат деҳи, тамаддиҳоналардан бир неча марта иш топиб бердик. Икки-уч кун ишлайди-да: “Менга тўғри келмас экан, иши оғир, пули ош”, деб яна уйга қамалиб олади. Охири, ҳамхоналар биргалшиб ўртага олиб, танбех бергандик шу ерда ҳам ўзидан ўпкаламай, ота-онасини айбдор қилди: “Менга ёшлигимдан иш буюришмаган, меҳнатга ўргатилмаган”, деди. Шу нарсани тушуниб, ўзини ўнгламаган одамга нима дейишга ҳайрон қолдик...

Қодиржон, талаба.

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз ва лоқайд кишилардан яхшидир.

Амир ТЕМУР

Эркакнинг топганида барака бор

Фарзанд учун ота-онасининг хатосини кўриш ва тушунишдан оғири йўқ. Бироқ ҳар қанча аччиқ бўлмасин, биз бошқалардан кўпроқ яқинларимизнинг камчилигини кўра оламиз. Эсимни танибманки, отам тайинли жойда ёлчители ишламади. Қишлоқ жойи мол-қўй қилиш керак, томорқа, экин-тикин дегандек, эрта баҳордан то кеч кузгача ҳамқишлоқларимиз тинмай меҳнат

Бугуннинг гапи

қилар, албатта, меҳнати эвазига турмуш шароити яхшиланар, давлати ошарди. Отам бўлса беҳуда нарсаларга вақтини исроф этар, онам билан биз, болалар кўлимиздан келганча тиришиб меҳнат қилардик. Лекин “эркакнинг топганида барака бор” дейишади. Оила бошлиғи ҳаракат қилмаса, бир аёлнинг меҳнатию ёш болаларнинг ишлагани нима бўларди? Ота-онамнинг уриш-жанжаллари кўпайиб, деворимиздан нохуш гап кўчага чиқди. Шунинг англадимки, оилавий можароларнинг тағ-замирда моддий етишмовчилик турар экан. Моддий муаммолари ечим топмаган оилада, маънавий муаммолар ҳам кўпаяр экан. Энди отам қариб олтимидан ошганида меҳнатсевар бўлиб қолган. Тонг отар-отмас далага чиқиб, шом қоронғусигача ишлайди. Отамнинг қарилликдаги меҳнатсеварлигидан биз болалар уяламиз. Энди отамнинг ишчанлиги бизга иснод бўлади, холос. Одамлар “қари отасини ишлатиб қўйибди”, дейишмайдами?! Бежизга халқимиз “Хар нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши”, демас экан.

Фарида, Навоий вилояти

Боқимандалик — юқумли хасталик

Ажаб ҳолат: агар орадан бир ғайрат-шижоатли, тадбирли одам чиқса, унга кўпчилик фақат ҳавас билан қарайди. Аммо ундан ибрат олиб, ордин эргашадиганлар негадир кам топилади. Лекин ён-веримизда бир боқиманда пайдо бўлса, унинг ёнида “шерик”лари кўпайгандан-кўпайди. Нега шундай? Сабаби, боқиманда одам ўзининг ҳалол меҳнати, пешона тери билан ризқ топадиган, рўзгорини обод қилиб юрган кишиларга ҳасад қилади. Бундайларнинг кўпи нолийдиганлар тоифасидан. Яна камига, ишчанларни йўлдан уради, қўлини меҳнатдан совутади. “Ҳалол меҳнат билан одам бойимайди”, деган бемаъни гап ҳам дангасалардан чиққанига шубҳа йўқ. Уларнинг назарида турмуши гузал, дастурхони тўкин, ҳаёти фаровон кишиларнинг ҳаммаси ҳаром эвазига бадастир яшайди. Шу фикри билан ялқовлар ўзларини ўзлари алдайдилар. Аслида тескариси: боқиманда бойимганидек, шижоатли ва тадбиркор одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Дангасанинг бири икки бўлмайди

Дангасалик бекорчилик иллатини келтириб чиқаради ёки аксинча бекорчилик дангасаликка олиб боради. Чунки қиладиган ишнинг тайини йўқ одам бўш вақтини кўпинча бефойда нарсалар билан тўлдирарди.

Бекорчилик энг зарарли офатлардан бири. Ақли инсон бу дунёда бекор турмайди. Вақтини зое кеткизмайди.

Умида
АДИЗОВА



**Ойла
жамият**

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси, “Болалар ва
оилаларни қўллаб-қувватлаш”
ассоциацияси (Болалар
жамғармаси) ва “Соғлом авлод
учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:
Воҳид Луқмонов

Обуна
индекси — 176

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 100000.
Амир Темур кўчаси
1-топ кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 436. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6036. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Маъсул муҳаррир: **О. Жумабоев**
Мусаххилар — **С. Сайдалимов,**
К. Адашбоева

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди

Саҳифаловчи — **А. Маликов**

